9 ЯНВ 1991 ОЛИНДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 7 (20.874) 1991 йил 9 январь, чоршанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲАЁТИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ФАХРИЙЛАРГА МИННАТДОРЧИЛИК

Каттақўрғон ём-мой комбинати бундан буён пенсияга чиққан ўз фахрийлари пенсиясига ҳар ойда 100 сўмгача қўшиб беради. Меҳнат жамоасининг қарорига биноан бундай ёрдам корхонада камида ўн йил ишлаган, лекин ҳозиргача кам пенсия олиб келган одамларга берилади. Шундай одамлар бу ерда деярли уч юз киши эканлиги аниқланди.

Комбинат кўп йиллардан буён барқарор ишламоқда. Олинган даромаднинг каттагина қисми ҳар йили ижтимоий соҳани ривожлантиришга, нормал меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишга сарфланмоқда. Бироқ корхонанинг собиқ ходимлари эътибордан четда қолишаётган эди. Энди бу нуқсон бартараф этилди: фахрийларга ёрдам бериш учун 26 минг сўм ажратилди.

Пенсияга чиқаётган меҳнаткашлар учун ҳам махсус жамғарма таъсис этилди. Ҳар бир меҳнат фахрийсига пенсияга чиқаётганида 500 сўм пул берилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН

Комсомол ноҳиясидаги Т. Аҳмедов номли, «Москва», «Мирзачўл», «Ленинград» давлат хўжаликларида ғишт хумдонлари қуришга киришилди. «Коммунизм» жамоа хўжалигида эса оҳак қуйдирила бошланди. Ноҳиядаги етти хўжаликнинг ҳар бирида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Томорқаларнинг катталашиши ҳамда янги участкалар ажратилиши натижасида якка тартибда уй қуриш миқёслари кенгайди. Савдодаги материалларнинг танқислиги эса хўжаликларнинг ўзидан резервлар излашга мажбур қилди. Кузда ноҳияда уч гектар ерга терак кўчатлари экилди. Баҳорда яна камида ярим миллион терак экиш режалаштирилган. Жой танламайдиган бу дарахтдан Мирзачўлда уй қуришда кенг фойдаланилади.

(ЎзТАГ мухбири).

● МУНАЖЖИМЛИК

ЮЛДУЗЛАРДА НИГОҲИ

Коинот сирларини ўрганаётган Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик расадхонасининг 60 йиллиги нишонланди. 30-йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган бу расадхона Ер қутуби ҳаракатини ўрганиш бўйича кўпгина мунажжимлик ишларини амалга ошириб келмоқда.

Маълумки, Ер айланиши параметрларини аниқлаш илмий ва халқ хўжалиги учун ғоятда катта аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида геодезия, геофизика, денгиз ва космосдаги тадқиқот ишларидан фойдаланилади. Китоб мунажжимлари аниқлаётган қимматли маълумотлар халқаро келишувга биноан Хитойнинг Шанхай шаҳридаги марказий кенглик бюросига юборилмоқда. Кенглик расадхонасида 30 га яқин киши фаолият кўрсатмоқда. Айниқса илмий маскан директори, физика-математика фанлари номзоди Бердимурод Маҳмадғозиевнинг хизматлари катта. У янги услуб асосида олинган маълумотларни солиштириш орқали коинот сирларини очишга улуш қўшмоқда.

Шунингдек, физика-математика фанлари номзоди Қаландар Эшонқулов 22 йилдан бери юлдузларни кузатиш билан банд. Етакчи муҳандис Ш. Остонов эса, лазер қурилмалари орқали сайёраларни кузатишга тайёргарлик кўрмоқда. М. Тошмирзаев, А. Алиев, Ф. Тилавов, Ш. Алибоев, А. Ажабов каби мутахассислар ҳам ўз касбининг усталаридан. Улар сайёрамизда юз берувчи кучли зилзилаларни олдиндан айтиб бериш борасида иш олиб бормоқдалар.

● САВОБЛИ ИШЛАР

ҲИММАТ

● Қашқадарё вилоятининг давлат суғурта идораси хайрли ишга қўл урди. Маъмурият ўз маблағи ҳисобига 24 нафар ходимнинг ҳар бирини бир минг сўмдан суғурта қилдирди. Ходимлар уч йилдан кейин суғурта пулини оладилар.

Бундай ҳиммат вилоятнинг кўпгина жойларида қулоч ёзмоқда. Муборак ғазни қайта ишлаш бирлашмаси ҳам ишчи ва хизматчиларнинг бир гуруҳини 92848 сўмлик суғуртага ҳужжатларни расмийлаштирди.

Вилоят давлат суғурта бошқармаси бошлиғи Суюн Холмуродов бу янгиликни шундай шарҳлайди.

— Бир сўз билан айтганда бу янгилик ,одамларга амалий ғамхўрлик қилишдир. Суғурта инспекциялари ҳам бу савобли ишга кўшилдилар. Улар байналмилалчи жангчилардан 15 нафар кишини бир минг сўмдан суғурта қилдилар. «Кашкадарьинская правда» вилоят рўзномасида ҳам бу ишни давом эттириб, жангчилардан бир неча нафари рўзнома ҳисобидан суғурта қилинди. Бошқа корхона ва муассасаларда ҳам бу хайрли тадбир ўтказилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Қашқадарё вилояти Баҳористон районидаги Сулаймон Муродов номли давлат хўжалигининг илғор сигир соғувчиси Бибисора Азимова ўзига бириктирилган 18 бош сигирни яхши парваришламоқда. У 1990 йилда пландаги 37,8 ўрнига 39 тонна сут соғиб олди.

СУРАТДА: Б. Азимовани кўриб турибсиз.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

СУРАТДА: Боғдод районидаги «Москва» давлат хўжалигида далаларга маҳаллий ўғит ташишда пешқадамлик қилаётган транспортчи Қодирали Юсупов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

● *Бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида*

ОМИЛКОРЛИК

● Ижара пудрати усулининг дастлабки мевалари

● Манфаатдорлик ошгани — ташаббускорликка мадад

● Мактаб корхона оталиғида

● Шифохоналар, тарихий ёдгорликлар учун ҳам маблағ топилди.

Бундан уч йил муқаддам — янги ишга киришган кезларим — корхонанинг иқтисодий аҳволини таҳлил қилиб, ташвишга тушиб қолдим. Завод фойда ўрнига зарар кўрмоқда эди. Меҳнат жамоаси давлатдан уч миллион сўмдан кўп қарздор бўлиб қолибди.

Бироқ кўп нарса меҳнат жамоасининг қўллаб-қувватлашига боғлиқ экан. Меҳнат жамоасининг кенгаши тўла хўжалик ҳисобига ўтиш тўғрисидаги таклифимни якдиллик билан маъқуллади. Ҳамманинг руҳи кўтарилиб, янгичасига ишлашга ҳозирлик кўра бошладик.

Шу мақсадда ишлаб чиқаришдаги барча резервлар синчковлик билан ўрганилди. Уларни меҳнатда қўлланишнинг таъсирчан чоралари кўрилди. Айрим участкаларда бригада пудрати жорий қилина бошлади. Бир йил мобайнида барча қарзлардан қутилиб, умумий рентабеллик даражасига эришилди. Бу — пудрат усулининг дастлабки шарофати. Шундай тартибда ишлаш бозор иқтисодиёти эшик қоқиб турган ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этяпти.

1990 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса меҳнат жамоаси корхонани тўла ижарага олди. Ҳар йили вазирлик ҳисобига 240 минг сўмлик ижара тўлови ўтказиш тўғрисида шартнома тузилди. Бунинг эвазига тўла иқтисодий мустақилликка эришилди.

Бу тарзда ишлаш берган самаралар натижаларини бироз бўлса-да, қиёслаб кўрайлик. Агар одатдаги шароитда ишланган 1989 йилнинг учинчи кварталида 1 миллион 574 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 1990 йилнинг шу даврида 2 миллион 280 минг сўмлик маррага эришилди. Ваҳолонки, ишлаб чиқариш қувватлари, ишловчилар сонида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлган эмас. 1989 йилнинг учинчи кварталн мобайнида оқланмаган мой ишлаб чиқариш режаси 147 фоизга, тинитилган мой — 149,9 фоизга, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 147,2 фоизга ўсди. Агар 1989 йилнинг шу даврида капитал созлаш туфайли даромад кўрилмаган бўлса, ўтган йили худди шундай шароитда ҳам 112 минг сўмлик фойда олинди.

Умуман, йилни 1 миллион 500 минг сўмлик даромад билан якунладик. Бу — 1989 йилга нисбатан 200 минг сўм кўп. Ижара пудрати бу даромадни жамоа ихтиёрига кўра одилона сарфлашга имкон бермоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 143 сўмдан 229 сўмга етди.

Энг муҳими, ижара пудрати муҳандис-техник ходимларимизнинг ташаббускорлик кўрсатишига яхши туртки берди. Улар ҳақиқий моддий манфаатдорлик нима эканлигини энди ҳис этишмоқда. Бош муҳандис А. Шарипов, бош механик А. Акрамов, мой тинитиш цехи бошлиғи М. Зайилев, режа-иқтисод бўлимининг бошлиғи А. Ким ва яна ўнлаб мутахассисларимиз технологияни такомиллаштириб, ишлаб чиқарлаётган маҳсулот ҳажмини ошириш учун чинакам жонкуярлик кўрсатишмоқда.

Улар янги йилдан бошлаб экстракция цехидаги ускуналарни замонавий техника билан алмаштириш режасини таклиф қилишди. Хорижий фирмалардан бири билан ҳамкорлик асосидаги соф протеин ишлаб чиқарувчи заводни корхонамиз ҳузурида қуриш тўғрисида музокаралар бошладик.

Бундай тадбирлар корхона иқтисодиёти равнақини яна бир поғона юқорига кўтариши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам ишчи ва мутахассисларимиз белгиланган тадбирларни амалга оширишга ҳозирданоқ астойдил тайёргарлик кўришмоқда.

Айни маҳалда меҳнат жамоаси қўлга киритган даромадни меҳнаткашнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга сафарбар этиш бўйича кўп иш қилинмоқда. Эндиликда жамоанинг ҳар бир аъзоси меҳнат отпускасига кетиш пайтида бир ойлик маош билан қўшимча мукофотланмоқда. Янги келин ёки куёвга беш юз сўмлик тўёна қилаяпмиз. Заводда узоқ йиллар ишлаган ветеранлар нафақаси корхона ҳисобидан юз сўмга етказилди.

Меҳнат жамоаси вилоят марказида халқ маорифи, маданият, медицина хизмати, физкультура ва спортни ривожлантириш ишига амалий ҳисса қўшмоқда. Корхона оталиққа олган Навоий номли мактаб олти ёшлик ўқувчилари озиқ-овқат таъминотини ўз зиммамизга олдик. Яқинда илғор ўқитувчилар ва аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш учун икки минг сўм ажратдик. Вилоят шифохоналари моддий базасини мустаҳкамлашга 30 минг сўм, тарихий ёдгорликларни таъмирлашга 16 минг сўм, физкультура ва спортни ривожлантиришга 10 минг сўм сарф қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурида таъкидланганидек, ижара пудрати меҳнат жамоасининг корхонага чинакам хўжайинлик қилиш ҳиссини оширишга имкон бермоқда. Бу эса — чинакам омилкорлик йўлидан бориш бўлиб, бозор иқтисодиёти арафасида қўйилган дастлабки қутлуғ қадамлар, деса арзийди.

Н. ҚЛИЧЕВ,
Бухоро ёғ-экстракция заводи директори.

● *ОЛИМЛАР НУҚТАИ НАЗАРИ*

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНА ХУСУСИДА

● Миллий ўз-ўзини англаш ўсиб бораётган шароитда халқларнинг ўз тарихига, ўтмиш далиллари ва воқеаларига қизиқишлари кескин равишда кучаймоқда. Ўтмиш воқеа-ҳодисалари, тарихнинг кўпгина жиҳатлари ўнлаб йиллар давомида адабиётда бир ёқлама ва ҳатто бузиб талқин қилиб келинди. Янгича ёндашувлар нуқтаи назарида туриб қайта идрок этиш ва аниқлашга муҳтож бўлган воқеалар орасида Ўзбекистон ССЖнинг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам бор.

Муҳтарам муштарий! Рўзномамизнинг аввалги сонларида Ўзбекистон жумҳурияти ташкил этилган сана ҳақида Тошкент давлат дорилфунуни доценти, тарих фанлари номзоди Сотимжон Холбоев билан қилинган «Тарихий ҳақиқат бузилган эди» сарлавҳали суҳбатимизни ўқиган эдингиз. Мақола кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Муҳарририятимизга ўнлаб мактублар келди. Шундан сўнг жумҳуриятимизнинг таниқли олимлари — тарихчилар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар иштирокида «Тарихий ҳақиқат муқим бўлсин» сарлавҳасида давра суҳбати эълон қилинди.

Шундай қилиб, жумҳуриятимиз ташкил этилган сана хусусида янгича ёндашув, янгича қараш юзага келди. Бугун жумҳуриятимиз фан ва маданият арбоблари, таниқли тарихчи олимларнинг ана шу сана бўйича мақоласини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик инқилобигача Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари сингари ўзбек халқи ҳам Россия давлатининг Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, ва Хива хонлиги ўртасида бўлиниб кетган эди. Уларда бутун ҳокимият чор амалдорлари, хонлар ва уларнинг ҳомийлари қўлида бўлиб, меҳнаткашлар оммаси ўлкани бошқаришдан бутунлай четлаштирилган эди.

1917 йил октябрида Россияда буржуазия ва помешчиклар ҳокимиятининг ағдарилиши ўлка халқларига давлат тузилиши, уларнинг миллий бирлашуви учун пойдевор яратди.

Советларнинг V Ўлка съездида (1918 йил 20 апрель—1 май) Туркистон жумҳуриятининг эълон қилиниши РСФСЖ таркибидаги мухтор давлат тузилмаларидан бири бўлди. Ўлка халқларининг эркин хоҳиш билдириши асосида эълон қилинган Туркистон МССЖ 1918 йил октябрида ўз Конституциясини қабул қилади. Аммо у мухтор тузилма сифатида эълон қилинганидан сўнг уч йил ўтгач, 1921 йил 21 апрелда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Туркистон жумҳурияти кўп миллатли эди. У кейинчалик ўзбек ва бошқа халқларнинг миллий совет давлатчилигини яратиш йўлида муҳим босқич бўлган.

РСФСЖ таркибидаги мухтор жумҳурият бўлмиш Туркистон жумҳурияти айни вақтда Россия Федерациясидаги одатдаги мухтор жумҳуриятларга қарагандa анчагина кўп мустақилликдан фойдаланган. Унинг вакиллари Россия Коммунистик большевиклар партияси Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси аъзоси Я. Э. Рудзутак, мухтор жумҳурият раҳбарлари И. Хидиралиев ва А. Раҳимбоев ССЖИ Советларининг I съездида бошқа жумҳуриятларнинг вакиллари билан биргаликда Иттифоқ шартномаси ва ССЖИни ташкил этиш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекадилар ва бу билан ССЖ Иттифоқини таъсис этувчилар сирасига кирадилар.

1920 йилда Хоразм ва Бухоро Халқ Совет жумҳуриятлари юзага келади.

Туркистон МССЖ, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет жумҳуриятларидан иборат кўп миллатли Ўрта Осиё жумҳуриятлари тимсолида минтақада ташкил топган унитар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни тубдан қайта қуриш ва ҳар бир миллат кучларини бирлаштириш асосида ўз миллий давлатини тузиш эҳтиёжини англаш тобора ўсиб борди.

Туркистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси, РКП(б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси аъзолари ва Тошкент масъул ходимларининг 1924 йил 10 мартда бўлиб ўтган кенгаши миллий давлатни тузиш масаласини амалий ҳал этишни кун тартибига қўйишда муҳим воқеа бўлди. Кенгаш кун тартибига Туркистоннинг миллий, маъмурий чегараланиши масаласи қўйилган эди.

Кенгашда қатнашган 50 нафар ходим гуруҳида Ўрта Осиёдаги барча асосий миллатларнинг вакиллари бор эди. Исломов, Хўжанов, Асфандиёров, Айтаков, Раҳимбоев, Эшонхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Рустемов, Мамаев, Сахат-Муратов, Ғозиев, Оролбоев, Сергозиев, Жургенов, Дадабоев, Турсунхўжаев, Мавлонбеков, Варейкис, Манжара, Цехер, Карклин, Межлаук ва бошқалар шулар жумласидандир. Кенгашни ТКП Марказий Қўмитасининг котиби Варейкис очади, Раҳимбоев маъруза билан чиқади. Маърузачи ҳам, музокараларда сўзга чиққанлар ҳам Ўрта Осиёда тарихан ташкил топган давлат тузулмалари системаси — Туркистон, Бухоро, Хоразм ўз ҳудудлари доирасида халқларнинг сунъий равишда ажралиб кетишларини қўллаб-қувватлаб, бошдан кечирилаётган даврда Совет давлатининг миллий сиёсатини бундан буён амалга оширишда, ўлкада ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар режаларини амалга оширишда ва оқибатда Совет ҳокимияти сиёсатини мустаҳкамлашда жиддий тўсиққа айланиб қолдилар, деган фикрни якдиллик билан таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчиларининг кўпчилиги бу аҳволдан қутулиш йўлини Ўрта Осиё ҳудудида миллий давлат тузилмаларини яратишда деб билдилар. Жумладан, Раҳимбоевнинг маърузасида шундай деб таъкиданган эди: **агар биз Туркистон жумҳурияти Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишини, Туркистоннинг айрим халқлари маданий жиҳатдан ривожланишларини хоҳласак, мазкур ҳолатлар (миллий жанжаллар) албатта бартараф этилиши керак. Ўрта Осиё таркибида бир хил миллатлардан иборат миллий жумҳуриятлар ташкил этганимиздагина бундай ҳолатлар бартараф этилиши мумкин.**

(Давоми иккинчи бетда).

• ОЛИМЛАР НУҚТАИ НАЗАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНА ХУСУСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шундан кейин маърузачи қирғиз, қозоқ ва туркман ходимлари томонидан илгари изҳор этилган Ўрта Осиёнинг қозоқлари ва туркманлари ягона ўз миллий жумҳуриятларига бирлашишга интилаётганликлари тўғрисидаги таклифларни таҳлил этиб, комил ишонч билан қуйидаги хулосага келади: **Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши ғояси ҳам ўлка халқлари, ҳам ўлка айрим давлатларининг, жумладан Туркистон ва Бухоронинг раҳбарлари томонидан олға сурилмоқда.**

Музокараларда сўзга чиққан Асфандиёров, Айтаков, Оролбоев, Жургенов ва бошқалар ўз халқларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, Раҳимбоев олға сурган ғояни — бир хил миллатлардан иборат миллий жумҳуриятлар ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

◆ 1924 йил 10 март. Шу куни Туркистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси, РКП(б) Марказий Қўмитаси ва Тошкент масъул ходимларининг иштирокида бўлиб ўтган кенгашда миллий давлат тузиш масаласини амалий ҳал этиш кун тартибига қўйилди. Кенгаш қатнашчиларининг кўпчилиги Ўрта Осиё ҳудудида миллий давлат тузилмаларини ташкил этиш хусусида сўзладилар.

Бухоро Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ишлаб чиққан «Ўрта Осиёда миллий бир хил жумҳуриятлар ташкил этиш юзасидан тезислар» кенгаш қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди. Унда Бухоро жумҳуриятидаги қозоқ, туркман, ўзбек вакиллари, масъул ходимларнинг кенгаши Ўрта Осиёда кўпчиликни ташкил этувчи миллатларнинг миллий белгилари бўйича, ҳар бир алоҳида миллатнинг турмуши, иқтисодий шароитларнинг ҳар хиллигига мувофиқ равишда чегараланишни ўтказиш зарурлиги ва бунинг айни вақти эканлигини якдиллик билан таъкидлайдилар. Тезисларда ушбу кенгашда мазкур масалада Бухоро ходимларининг якка эмасликлари, ҳам Туркистон, ҳам Хоразм томонидан қизғин тарафдорларга эга эканликлари мазкур кенгашда маълум бўлганлигининг таъкидланиши муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ ТКП Марказий Қўмитаси, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси, РКП(б) Марказий Қўмитаси ва Тошкент масъул ходимларининг март кенгаши ягона ҳужжатни ишлаб чиқмади, балки кенгаш стенограммаси ва Бухоро Компартияси Марказий Қўмитаси тезисларини ТКП Марказий Қўмитаси Ижроия Бюросига ўрганиш учун беришга қарор қилди.

Ана шу босқичнинг маъноси шундаки, Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг партия ва совет органлари миллий давлат чегараланиши ва миллий белгилар бўйича давлат тузилмаларини ташкил этиш зарурлиги хусусида жиддий фикрларни айтдилар.

Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёнинг миллий-давлат чегараланиши ғояси амалда ҳал этиш кун тартибига қўйилиб, аниқ мазмун билан тўла борди. Янги босқичда ўз қўлами-га кўра жуда катта фаолият авж олиб кетди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия органлари пленумларининг махсус комиссияларида Туркистон, Бухоро, Хоразм ҳудудларида янги миллий давлат тузилмаларини белгилаш ва аниқлаш бўйича катта ишлар олиб борилди.

Натижада 1924 йил 2 июнда РКП(б) Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси Махсус комиссия ишлаб чиққан Ўрта Осиё жумҳуриятларининг чегараланиши ҳақидаги РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг қарор лойиҳасини кўриб чиқди ва маъқуллади. Лойиҳада Туркистон, Бухоро, Хоразмнинг миллий белгиларига кўра чегараланиши ва ССЖ Иттифоқи таркибига кирувчи Ўзбекистон ва Туркманистон Совет жумҳуриятларини ташкил этиш, Туркистоннинг қозоқлар яшовчи районларини Қозоғистон МССЖ га бирлаштириш, Қирғизистон ва Тожикистон мухтор вилоятларини ташкил этиш кўзда тутилган эди.

Бироқ Хоразм Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг Ижроия бюроси масъул ходимлари гуруҳи талабига биноан Ўрта Осиёнинг чегараланиши лозим бўлган ҳудудларидан Хоразм ҳудудини чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор телеграф йўли билан РКП(б) Марказий Қўмитасига хабар қилинди.

РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг 1924 йил 12 июнда бўлиб ўтган мажлиси Хоразм жумҳуриятининг мустақиллик ҳуқуқларига риоя этиб, мажлисга тайёрланган материалларга муайян тузатишлар киритишга мажбур бўлди. Гарчи кун тартибида «Ўрта Осиё жумҳуриятлари (Туркистон, Бухоро ва Хоразм)нинг миллий чегараланиши тўғрисида»ги масала турган бўлса ҳам, бироқ Сиёсий бюро «Бухоро ва Туркистон Компартиялари Марказий Қўмиталари ва Халқ Комиссарлари Советининг таклифлари»га мувофиқ равишда қарор қабул қилди:

а) Туркистон, Бухоро, Хоразмнинг туркманлар яшайдиган қисмидан мустақил Туркманистон жумҳурияти ташкил этилсин;

б) Туркистон ва Бухоронинг ўзбеклар яшайдиган қисмидан мустақил Ўзбекистон жумҳурияти ташкил этилсин;

в) туркманлар ажратилган ҳолда Хоразм жумҳурияти илгариги ҳудудларида қолдирилсин.

РКП(б) Марказий Қўмитаси Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган районларини Қозоғистон МССЖ билан қўшишни, шунингдек, бевосита РСФСЖ таркибига кирувчи Қирғизистон мухтор вилоятини ва Ўзбекистон ССЖ таркибига кирувчи Тожикистон мухтор вилоятини ташкил этиш зарурлигини тан олди.

ХОРАЗМ Компартияси Марказий Қўмитасининг ижроия бюроси 1924 йил 26 июлда ўз қарорини қайта кўриб чиқиб, Хоразм учун ҳам миллий чегараланиш зарур эканлигини тан олади. Ана шунда РКП(б) Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси яна мазкур масалага қайтиб, Хоразмни Бухоро ва Туркистон билан бир қаторда миллий давлат чегараланиши жараёнига киритади.

РКП(б) Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси «Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ва совет миллий жумҳуриятларини ташкил этиш тўғрисидаги тезислар»ини умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун матбуотда эълон қилади. Мазкур тезислар ўлка жамоатчилиги эътиборини ўзига тортади. Уни саноат корхоналари, қишлоқлар, партия, совет ходимлари кенгашлари, касаба уюшмалари йиғилишларида муҳокама қилиш меҳнаткашлар миллий давлат чегараланишини ўтказиш ва миллий суверен жумҳуриятларни тузиш ғоясини қўллаб қувватлашларини кўрсатди.

Тезисларни умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш билан бир вақтда, янгитдан ташкил этиладиган давлат тузилмаларига кирувчи ҳудудларни, уларнинг иқтисодий жойлашишларини аниқлаш бўйича мураккаб ишлар олиб борилди. Бу ишлар РКП(б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси томонидан тузилган Ҳудудий комиссия, унинг миллий ёрдамчи комиссиялари ва мунозаравий ҳудудлар масаласини ҳал этиш учун ташкил этилган махсус комиссияларда мужассамлашди.

Ўрта Осиё бюросининг Ҳудудий комиссияси таркибига ташкил этилиши мўлжалланган барча жумҳуриятлар ва вилоятларнинг вакиллари тенг асосларда киритилган эди. Бундай вакиллар орасида Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўзга кўринган ходимлари Н. Айтаков, К. Отабоев, Й. Абдураҳмонов, И. Айдарбеков, И. М. Варейкис, Р. Исломов, Д. И. Манжара, И. И. Межлаук, А. Раҳимбоев, Х. Сахат-Муротов, Ф. Хўжаев ва бошқалар бор эди.

Обрўли, ўз таркиби бўйича байналмилал бўлган ҳудудий комиссия ташкил этиладиган жумҳуриятлар ва вилоятларнинг мўлжалланаётган ҳудудларини ҳар бир халқнинг манфаатларини ҳисобга олиб муҳокама қилди. Мунозарали масалалар махсус комиссиялар ёрдамида ҳал этилди. Чунончи, Тошкент шаҳри, Мирзачўл ва Тошкент уездлари хусусида пайдо бўлган келишмовчиликларни қараб чиқишда шундай иш тутилди.

Ҳудудий комиссияда пайдо бўлган келишмовчиликлар моҳиятини таърифлаб, ТКП Марказий Қўмитасининг масъул котиби И. Варейкис шундай деб таъкидлаган эди: **моҳият эътибори билан бу келишмовчиликлар йирик характердаги келишмовчиликлар эмас, улар айрим волостлар, волостларнинг қисмлари ва ҳоказоларга тааллуқли келишмовчиликлардирки, ўз-ўзидан тушунарлики, улар катта аҳамиятга эга бўлмади ва эга бўлиши мумкин ҳам эмас эди...**

Умуман олганда, Ўрта Осиё Совет миллий жумҳуриятлари ва вилоятлари ҳудудлари ҳамда чегараларини аниқлашда миллий белгилар билан бирга, хўжалик, маиший шарт-шароитлар, ҳудудларнинг иқтисодий бир бутунлиги каби муҳим омиллар ҳисобга олинган эди.

Ҳудудий комиссия ўз ишини 1924 йил ёзида тугаллайди. Унинг фаолияти якунлари ТКП Марказий Қўмитаси ва Тафтиш комиссиясининг 1924 йил 14 сентябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида муҳокама қилинди. ТКП Марказий Қўмитасининг қўшма пленуми Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг миллий давлат чегараланиши режасини умуман маъқуллаб, Туркистоннинг миллий давлат чегараланиши режасини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг Фавқулодда сессиясини чақириш фикрини билдиради.

◆ 1924 йил 12 июнь. РКП (б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг шу куни бўлиб ўтган мажлисида «Бухоро ва Туркистон Марказий Қўмиталари ва Халқ Комиссарлари Советининг таклифлари»га мувофиқ равишда қарор қабул қилди. Унда Туркманистон, Ўзбекистон жумҳуриятлари ташкил этилиши алоҳида таъкидланган эди.

1924 йил 15 сентябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг навбатдан ташқари сессияси ўз ишини бошлайди. Унинг кун тартибига фақат битта — миллий давлат чегараланишига тааллуқли масала қўйилади. Шу масала юзасидан Исломов доклад қилади, музокараларда туркманлар номидан Отабоев, ўзбеклардан — Раҳимбоев, қозоқлардан — Хўжанов, қирғизлардан — Абдураҳмонов, тожиклардан — Раҳматулло, қорақалпоқлардан — Дўстназаров, РКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюросидан — Карклин, ТКП Марказий Қўмитаси номидан Варейкис ва бошқалар сўзга чиқадилар.

1924 йил 16 сентябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси сессияси тарихий қарор қабул қилади. Унда шундай дейилган эди:

«Совет Иттифоқи халқлари миллий муносабатлари ва миллий қурилишига асос қилиб олинган принциплардан келиб чиқиб, Туркистон муҳтор Совет Социалистик жумҳурияти ишчилари ва деҳқонлар оммасининг ялпи иродасини назарда тутиб, ТМССЖ Марказий Ижроия Қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон халқи ишчилар ва деҳқонлар оммасининг ялпи иродасини бажариш мақсадида **ўзбек халқига ТМССЖ таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин** ва мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилсин.

2. Туркман халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг билдирган ялпи иродасини бажариш мақсадида **туркман халқига ТМССЖ таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин** ва мустақил Туркманистон Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилсин.

3. Қирғиз халқи[1] ишчи ва деҳқонлар оммасининг ялпи иродасини бажариб, ТМССЖ қирғиз вилоятларини Қирғизистон Совет Социалистик жумҳурияти билан бирлаштириш **мақсадида қирғиз халқига ТМССЖ таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин.**

4. Қора қирғиз халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг иродасини бажариш мақсадида қора қирғиз халқига **ТМССЖ таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин** ва мустақил Қора қирғиз мухтор вилояти ташкил этилсин.

5. Тожик халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ялпи иродасини бажариш мақсадида тожик халқига **ТМССЖ таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин** ва мухтор Тожикистон вилояти ташкил этилсин.

6. Мазкур қарор Россия Совет Федератив Социалистик жумҳурияти Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ҳавола этилсин».

ШУНДАЙ қилиб, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси сессияси биринчи марта Туркистон МССЖ ўзини-ўзи тугатиши тўғрисида аниқ ва равшан фикрни билдирди ҳамда халқнинг эркин хоҳиш билдиришига таяниб, мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятини ташкил этишнинг тарафдори бўлди. Бу билан **мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятини ташкил этилиши учун қонуний асос яратилди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг мазкур қарори биринчи, ҳал қилувчи ҳужжат сифатида, кейинчалик РСФСЖ Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 14 октябрда ва ССЖИ Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 27 октябрда Ўрта Осиё жумҳуриятларининг чегараланиши тўғрисида қабул қилган қарорларига асос қилиб олинди.**

Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 16 сентябрдаги қарори V Бутунбухоро қурултойи (1924 йил 20 сентябрь) ва V Бутунхоразм қурултойи (1924 йил 29 сентябрь) томонидан тегишли қарорлар қабул қилинишини тезлаштирди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси сессиясининг 1924 йил 16 сентябрда қабул қилган қарори уни **ўзбек совет миллий давлатчилигини барпо этишга асос солган биринчи юридик ҳужжат деб ҳисоблашга тўла асос беради. Бошқача қилиб айтганда, бу Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти туғилишини қайд этган ҳужжат бўлган эди.** Кейинги ойларда Ўзбекистон ССЖнинг давлат-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашув жараёни давом этди ва у Ўзбекистон ССЖ Советларининг Биринчи Таъсис съездида 1925 йил 17 февралда ҳокимиятни тузиш билан якунланди.

ТМССЖ Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси сессиясининг 1924 йил 16 сентябрдаги қарори ленинча миллий сиёсат муваффақиятининг муҳим босқичи ҳисобланади. Ў Ўрта Осиё халқларининг эркин хоҳиш билдиришига суянган эди. Ана шуларни назарда тутиб, **1924 йил 16 сентябрни ҳақли равишда Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти туғилган кун деб ҳисоблаш мумкин.**

1924 йил 14 октябрда РСФСЖ Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг II-сессияси Туркистон МССЖ Марказий Ижроия Қўмитасининг миллий давлат чегараланиши тўғрисидаги қарорини айрим ўзгартишлар билан тасдиқлади. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси сессияси ва Бутунбухоро қурултойи қарорида кўрсатилганидек, тожик халқига мухтор вилоят эмас, балки Ўзбекистон ССЖ таркибида Тожикистон Мухтор Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

1924 йил 27 октябрда ССЖИ Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси II сессиясининг, шунингдек, Советларнинг V Бутунбухоро қурултойи ва Советларнинг V Бутунхоразм қурултойининг миллий давлат чегараланиши ва янги Совет Социалистик жумҳуриятлари ва вилоятлари ташкил этиш тўғрисидаги талабини яна бир бор қаноатлантирди.

◆ 1924 йил 15 сентябрь. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига миллий давлат чегараланишига тааллуқли масала қўйилади. Шу масала юзасидан доклад қилган Исломов, музокараларда туркманлар номидан — Отабоев, ўзбеклардан — Раҳимбоев, қозоқлардан — Хўжанов, қирғизлардан — Абдураҳмонов, тожиклардан — Раҳматулло, қорақалпоқлардан — Дўстназаров ва бошқалар сўзга чиқиб, сессия кун тартибидаги масалани тўла қўллаб-қувватлайдилар.

1925 йил 13 февралда Ўзбекистон ССЖ Советларининг I-съезди очилди. Съезд 17 февралда «Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилганлиги тўғрисида Декларация» қабул қилади. Шу билан Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг фавқулодда сессияси 1924 йил 16 сентябрда бошлаб берган йўл мантиқий якунига — Ўзбекистон ССЖни ташкил этиш тўғрисидаги Декларацияга олиб келди. Декларацияда «Бугундан эътиборан ўзбек халқи ҳудудида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари мажмуида шу халқ тарихида биринчи марта ишчи ва деҳқонларнинг Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти Таъсис этилди ва унга Тожикистон Мухтор Совет Социалистик жумҳурияти киради» деб тантанали равишда эълон қилинган эди.

1925 йил 13 майда ССЖ Иттифоқи Советларининг III съезди Туркманистон ва Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятларининг ССЖ Иттифоқи таркибига киришлари тўғрисида Туркманистон ва Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятлари халқларининг эркин хоҳиш билдирганликларини мамнуният билан табриклаб шундай қарор қилади: «ССЖ Иттифоқи Конституцияси 1-моддасининг «В» бандига мувофиқ, ССЖ Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома ҳаракати Туркманистон ва Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриятларига ёйилсин».

◆ 1924 йил 16 сентябрь. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси сессияси «Совет Иттифоқи халқлари миллий муносабатлари ва миллий қурилишига асос қилиб олинган принциплардан келиб чиқиб, Туркистон Мухтор Совет Социалистик жумҳурияти ишчилари ва деҳқонлар оммасининг ялпи иродасини назарда тутиб, тарихий қарор қабул қилади. Унда шундай дейилган эди: Ўзбек халқи ишчилар ва деҳқонлар оммасининг ялпи иродасини бажариш мақсадида ўзбек халқига ТМССЖ таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин ва мустақил Ўзбек Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилсин.

ШУНДАЙ қилиб, ўнлаб йиллар мобайнида 1924 йил 27 октябрь — ССЖИ Марказий Ижроия Қўмитаси «Ўрта Осиё Совет жумҳуриятларининг чегараланиши ва Ўзбекистон ССЖ ва Туркманистон ССЖнинг ССЖ Иттифоқига кириши тўғрисида» қарор қабул қилган кун Ўзбекистон ССЖ ташкил этилган кун деб ҳисобланиб келган. Ваҳолонки юқоридаги баёнларимиздан кўриниб турганидек, ана шу қарорнинг ўзи Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 16 сентябрдаги қарорига ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари давлат ҳокимияти олий органлари бошқа қарорлари асосида қабул қилинган. Бунинг устига ССЖИ Марказий Ижроия Қўмитаси ўз қарорида «Меҳнаткаш халқнинг эркин хоҳиш билдириши олий қонун ҳисобланади», деб таъкидлаган. Ўрта Осиё халқларининг ана шундай эркин хоҳиш билдириши олий қонун бўлиб, у биринчи марта Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 16 сентябрдаги қарорида ўз ифодасини топиб, юридик жиҳатдан мустаҳкамланган эди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий тузилмаларнинг ташкил топиши федерал органлар қарорлари натижаси эмас, балки халқларнинг ўз иши, улар томонидан эркин хоҳиш билдиришнинг натижаси бўлган эди. Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилган санани аниқлашга ана шу принцип асос қилиб олиниши керак.

Миллий қайта туғилиш, жумҳуриятларнинг миллий суверенитети, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнлари авж олаётган ҳозирги шароитда ҳар бир масалада, шу жумладан уларнинг давлатчилиги қарор топиши ва ривожланишининг асосий босқичларини идрок этишда миллатнинг иродасига устунлик берилиши масаласи муҳим аҳамият касб этади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, **1924 йил 16 сентябрни Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилган сана** деб ҳисоблашни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Э. ЮСУПОВ,
Тошкент давлат дорилфунунининг ректори, ССЖИ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ЎзССЖ Фанлар академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори.

Ш. ЎРАЗАЕВ,
ЎзССЖ Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлари доктори.

Р. РАЖАБОВА,
ЎзССЖ Фанлар академияси Тарих институтининг директори, тарих фанлари доктори.

И. АЛИМОВ,
ЎзССЖ Фанлар академияси Тарих институтининг бўлим мудири, тарих фанлари доктори.

Р. НУРУЛЛИН,
ЎзССЖ Фанлар академияси Тарих институтининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори.

С. ХОЛБОЕВ,
Тошкент давлат дорилфунуни сиёсий тарих кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди.





1. 1926 йилгача қозоқлар расмий равишда қирғизлар деб, қирғизлар эса қора қирғизлар деб аталган.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ҚОНУНИ

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон ССЖда тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий шартларини белгилайди.

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг амалий фаоллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Қонун мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, бу шакллларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

I бўлим.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Тадбиркорлик**

1. Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида, ташаббус билан амалдаги қонунлар доирасида иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

2. Ўзбекистон ССЖда тадбиркорлик қуйидаги шаклларда юритилади:

тадбиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;

тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;

тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;

юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида.

3. Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ёки бошқа фуқароларнинг меҳнатини ёллаш йўли билан фойдаланишига асосланиши мумкин.

4. Тадбиркорнинг мулки давлат мол-мулки ёки жамоат ташкилотларининг мол-мулки бир шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг мулкига ўтган ёки улар томонидан сотиб олинган, тадбиркор шахсий жамғармаларидан, банк кредитидан фойдаланиб ижара мулкини ҳақ тўлаб сотиб олган ёки унинг қонунда кўзда тутилган бошқача усуллар билан эгаллаган, шунингдек, юқорида санаб ўтилган шакллар қўшиб олиб борилган ҳолларда вужудга келади.

2-модда. **Тадбиркорлик тўғрисида қонунчилик**

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар мулкчиликнинг шаклидан, фаолият туридан, қайси соҳага ихтисослашишидан қатъи назар, ушбу Қонун билан, Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ташқи иқтисодий фаолият махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Асосий фаолияти тадбиркорликдан иборат бўлмаган давлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, жамоат ва диний ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ қилинади.

3-модда. **Тадбиркорликнинг умумий принциплари**

Ўзбекистон ССЖда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий принциплари қуйидагичадир:

қонун томонидан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан тасарруф этиш эркинлиги;

тадбиркорнинг амалий-хўжалик фаолиятидаги (таъминотчилар ва харидорларни ўз истагига кўра танлаб олиш, тайёр маҳсулотга, ишга, кўрсатилган хизмат ва ҳ. к. ларга ўзи нарх белгилаш) ва бунинг натижасини тақсимлашдаги мустақиллиги;

тадбиркорларнинг барча турдаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъи назар, молия идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорлар ва ходимларнинг корхона даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб кўрсатганлик) учун давлат олдида моддий жавобгарлиги.

4-модда. **Тадбиркорлик субъектлари**

Қуйидагилар тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи субъектлар бўлиши мумкин:

— ЎзССЖ ва ССЖИнинг ҳуқуқий лаёқати қонуний тартибда чекланмаган ҳар қандай фуқароси;

— фуқаролар гуруҳи (шериклар), шу жумладан, давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси — жамоа тадбиркорлари;

— амалдаги қонунларда кўзда тутилган ваколатлар доирасида хорижий давлатларнинг фуқаролари.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув муассасаларининг раҳбар ходимлари ва ЎзССЖ қонунларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ман этилган бошқа шахсларга бу фаолият билан шуғулланишга рухсат берилмайди.

5-модда. **Тадбиркорлик шакллари**

Тадбиркорлик шакллари қуйидагилардан иборат:

алоҳида фуқаро томонидан жазм қилиб, ўз жавобгарлиги асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик;

бир гуруҳ фуқаролар (шериклар) томонидан амалга ошириладиган умумий тадбиркорлик. Чекланган даражада жавобгар бўладиган ширкат (шерикчилик), акцияли уюшма, ижарачи жамоа, давлат корхонасининг меҳнат жамоаси жамоа сифатида тадбиркорлик қилиши мумкин.

II бўлим.

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

6-модда. **Тадбиркорлик ташкилоти (ширкати)**

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотлари (ширкатларини) тузади (таъсис этади), улар ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

7-модда. **Тадбиркорнинг ҳуқуқлари**

1. Ҳар бир фуқаро (шерик фуқаролар гуруҳи) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— амалдаги қонунларда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва қандай ресурсларни, жумладан, моддий, молиявий, интеллектуал, табиий ресурсларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш;

— Ўзбекистон ССЖ, ССЖИ ҳудудида ва чет элда ўз шўъбалари, тармоқ корхоналари ва ваколатхоналарига эга бўлиш;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш;

— Ўзбекистон ССЖнинг меҳнат қонунларига мувофиқ равишда ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;

— тадбиркорлик корхонасида ички тартиб-қоидаларни белгилаш;

— тадбиркорлик корхонасининг солиқ солиш учун эълон қилинган (декларация берилган) ва солиқ тўланган ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилгандан кейин қолган фойдасини эркин тасарруф этиш;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда шахсий даромад орттириш;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланган тартибда тадбиркорларнинг ижтимоий таъминланиши ва ижтимоий суғурта қилиниши.

2. Шериклар ёки маҳсулот етказиб берувчилар билан битим тузиш чоғида тадбиркор уларнинг молиявий аҳволи хусусидаги мустақил аудитор ташкилот томонидан тасдиқланган ҳужжатларни ёки бошқа кафолат берувчи мажбуриятларни талаб этиши мумкин.

3. Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслашишга ҳақли, амалдаги қонунларга мувофиқ ҳеч сўзсиз бериладиган жазо чоралари бундан мустаснодир.

8-модда. **Тадбиркорнинг мажбуриятлари**

Тадбиркор:

— амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажаришга;

— ёлланиб ишлаётган ходимлар билан амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузишга;

— ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, тўла ҳисоб-китоб қилишга;

— ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий суғурта қилишга;

— табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга, ўз фаолияти натижасида экологик муҳитга етказилган зарарни қоплашга;

— хўжалик юритишнинг қонунда белгиланган, инсон ҳаёти ва саломатлигига дахлдор бўлган шартларини, шунингдек хавфсизлик техникаси шартларини, санитария гигиенаси талабларини, ёнғиннинг олдини олиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажаришга;

— жамоа шартномасида кўзда тутилган меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларни амалга оширишга;

— бошқа қонунлардан келиб чиқадиган ёки инсоннинг саломатлиги ва ҳаётига ёҳуд атроф-муҳитга ҳавф туғдириши мумкин бўлган фаолият тури билан боғлиқ бўлган ҳолларда хўжалик фаолиятини тегишли малакаси бўлган шахслар амалга оширишни назарда тутишга мажбурдир.

9-модда. **Тадбиркорнинг масъулияти**

1. Тадбиркор ўз мол-мулки доирасида Ўзбекистон ССЖ қонунларини бажариш, солиқ, молия ва кредит мажбуриятлари, тузилган битимлар юзасидан мулкчилик ҳуқуқини бузганлиги, истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги ва инсофсизларча рақобат қилганлиги учун амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади.

2. Тадбиркор турли даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этишга ҳақлидир. Шунга кўра, у қарз берувчи олдида ўзининг мол-дунёси ва кўчмас мулки билан жавобгар бўлади.

Тадбиркорнинг мулкий жавобгарлиги мулк эгаси билан тузилган шартномага мувофиқ чекланиши мумкин.

Шартнома шартларини бузганлик учун жарималар ва айбона (неустойка)ларнинг тўланиши, шунингдек етказилган зарар ўрнининг қопланиши тадбиркорни маҳсулот етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасидаги мажбуриятларни бажаришдан халос қилмайди.

3. Мулкий даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб олинаётган мол-мулкдан ортиқ бўлмаслиги керак.

III бўлим.

ТАДБИРКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШИРКАТ)НИ ТУЗИШ, ТАЪСИС ЭТИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ

10-модда. **Тадбиркорлик ташкилоти (ширкат)ни тузиш**

1. Тадбиркорлик ташкилоти (ширкат) мулкчилик шаклидан қатъи назар, янги корхона тарзида ёки мавжуд корхоналарни ўзгартириш (қайта ташкил этиш, бўлиб юбориш, қўшиб юбориш) асосида тузилиши мумкин.

Тадбиркор мавжуд корхоналарни ўзгартириш замирида корхона (ширкат) тўзган ҳолларда, башарти махсус битим (шартнома)да бошқача шарт қайд қилиб қўйилмаган бўлса, у ўзгартирилган корхона эгасининг ҳуқуқий вориси бўлади ва ўзгартирилган корхона эгасининг мажбуриятлари янги тузилган корхона (ширкат) эгасига ўтади.

2. Давлат корхонаси ёки унинг бўлинмаси:

— мол-мулкни тадбиркорга текинга бериш йўли билан;

— мол-мулки тадбиркор томонидан сотиб олиниши йўли билан;

— мол-мулки ижарага топширилиши йўли билан;

— давлат корхонаси томонидан тўла ёки чекланган мулкий жавобгарлик масъулияти асосида бўлган тадбиркорлик ташкилотини (қўшма корхонасини) тузиш йўли билан;

— корхона акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш йўли билан;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларига зид бўлмаган бошқа ҳолатларда ҳам тадбиркорлик ташкилотига айлантирилиши мумкин.

11-модда. **Давлат рўйхатидан ўтказиш**

1. Тадбиркор ўз тадбиркорлик ташкилотини корхона жойлашган ердаги халқ депутатлари ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия Советининг ижроия қўмитасида рўйхатдан ўтказиши шарт.

Тадбиркор тадбиркорлик ташкилоти тузганлиги тўғрисида тадбиркорлик ташкилотининг номи ҳамда низомини илова қилиб ариза берганидан кейин у бир ой муддат ичида давлат рўйхатидан ўтказилиши (ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилиши) керак.

Корхонани тузиш мақсадга мувофиқ эмас, деган сабаблар билан уни давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортишга йўл қўйилмайди. Ижроия қўмитасининг рад жавоби устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Тадбиркорлик ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тадбиркордан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган миқдорда ҳақ ундириб олинади, бу пул корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги бюджетга ўтказилади.

Рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар халқ депутатлари Советларининг ижроия қўмиталари томонидан ўн кун давомида жумҳурият қайдномасига киритиш учун Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлигига, шунингдек, корхона рўйхатга олинган жойдаги молия идорасига маълум қилинади.

Тадбиркор тадбиркорлик ташкилоти рўйхатдан ўтказилгач, икки ой ичида тадбиркорлик ташкилоти жойлашган ер, унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) тўғрисида халқ депутатлари Советининг ижроия қўмитасига маълум қилишга мажбурдир.

2. Тадбиркорлик ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлади.

3. Рўйхатдан ўтказилмаган тадбиркорлик ташкилотларининг фаолият кўрсатиши тақиқланади, уларнинг даромади Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланганидек тўлалигича давлат томонидан олиб қўйилади.

4. Чет эллик тадбиркорларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг тадбиркорлик ташкилотлари, шунингдек, чет эл ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари шерик бўлган тадбиркорлик ташкилотлари, бундан ташқари, Ўзбекистон ССЖ давлат рўйхатидан ўтказадиган тегишли идораларида ҳам рўйхатга олинади.

5. Тадбиркорлик ширкати давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин унинг амалдаги ва юридик холатида рўй берган ва қайд этиш учун тақдим этилган ҳужжатларга тааллуқли бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тадбиркор 30 кунлик муддат ичида шу корхона рўйхатдан ўтказилган халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия қўмитасига тақдим этишга мажбурдир.

12-модда. **Тадбиркорларнинг рақобат қилиш шартлари.**

1. Тадбиркор томонидан хўжалик оборотига киритиладиган маҳсулотларга албатта маркировка қўйилиши, унда фирманинг белгиси ёки маҳсулотнинг рамзи, тадбиркорлик ташкилоти жойлашган ер, маҳсулотни таърифлайдиган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

2. Ўзгаларнинг фирма ва товар белгиларини, шунингдек бир ишлаб чиқарувчининг маҳсулоти билан бошқа тайёрловчиларнинг маҳсулотларини чалкаштириб юбориш имконини берадиган бошқа маълумотларни ўзлаштириб олишга йўл қўйилмайди. Шу масалалар юзасидан рўй берадиган низолар амалдаги қонунлар асосида суд орқали ҳал этилади.

3. Давлат рақобат эркинлигини қонун асосида, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ва молия идоралари орқали таъминлайди, истеъмолчилар ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўйилмайди, тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай соҳасида монополизм кўринишларини бартараф этади.

4. Рақибнинг обрўсига путур етказишга қаратилган ҳаракатга, эркин рақобатни чеклаш мақсадида тадбиркорларнинг ўзаро уюшиб, ишлаб чиқариш ҳажмини келишув асосида белгилашларига, уни сотиш ва таъминот бозорларини бўлиб олиш ҳақида жуда паст монопол нархларни сақлаб туриш тўғрисида ҳар қандай тил бириктиришларга йўл қўйилмайди. Бундай фаолияти учун суд орқали 10 минг сўмдан 100 минг сўмгача жарима солинади ва ноқонуний ишлар орқали топилган фойданинг ҳаммаси ундириб олиниб, маҳаллий бюджет даромадига ўтказилади.

13-модда. **Тадбиркорлик ташкилоти (ширкат)ни тугатиш**

1. Тадбиркорлик ташкилотининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

— тадбиркорлик ташкилоти эгасининг қарорига кўра;

— низомда ёки шартномада кўзда тутилган тартибда;

— лицензия ёки ижозат муддати тугаган тақдирда;

— тадбиркорлик ташкилоти синган ҳолларда — агар тўлаш учун тақдим қилинган қарздорлик миқдори тадбиркорлик ташкилоти (жамият) активлари қийматидан ошиб кетган ва тадбиркорлик ташкилоти (жамият) хабарнома олган кундан бошлаб бир ой мобайнида шу қарздорликдан қутулмаган тақдирда;

— тадбиркорлар (корхоналар) бирлашган тақдирда;

— тадбиркорлик ташкилоти рўйхатдан ўтказилгандан кейин уч ой муддат ичида тадбиркорлик фаолияти бошланмаган тақдирда;

— суд ёки ҳакамликнинг қарорига биноан.

2. Тадбиркорлик корхонаси тугатилганлиги бир ой ичида матбуот орқали ва корхоналарни рўйхатдан ўтказувчи жумҳурият идораларига расман хабар қилиниши зарур.

Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи тугатиш комиссиясини тайинлайди, бу комиссия тадбиркорлик ташкилотини уни тугатиш жараёнида бошқаради.

3. Тугатиш комиссияси тадбиркорлик корхонасининг мол-мулкини баҳолайди ва тугатиш балансини тузади.

Тугатилаётган тадбиркорлик корхонасига кредиторларнинг даъволари тугатиш ҳақидаги эълон матбуотда босилиб чиққан кундан бошлаб уч ой муддатда тақдим этилади.

4. Тадбиркорлик корхонасининг қарзлари қуйидаги навбатда тўланади:

— тадбиркорлик корхонаси етказган зарар муносабати билан шундан кейинги ҳар ойлик тўловларни сармояга айлантириш учун ижтимоий таъминот муассасасига бадал;

— бюджетга қарзлар;

— атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш харажатлари;

— ўз даъволарини муддатида тақдим этган қарз берувчиларга қарзлар;

— бошқа қарз берувчиларга қарзлар.

5. Агар қарз берувчиларнинг талабларини қондириш учун тадбиркорлик ташкилотининг мол-мулки етарли бўлмаса, мулкдор (тадбиркор, шерик, мулкдор)нинг белгилаб қўйилган жавобгарлигига биноан қарз берувчининг даъволари мулкдор (тадбиркор)нинг мол-мулки ёки мулкдорларнинг мол-мулки ҳисобидан уларнинг тадбиркорлик ташкилотига қўшган улушига мутаносиб тарзда қондирилади.

Қарз берувчилар даъволарининг тадбиркорлик ташкилоти, унинг эгаси (тадбиркор, мулкдор)нинг мол-мулки қондира олмаган қисми мутаносибликка риоя этган ҳолда бекор қилинади.

6. Қарз берувчиларнинг даъволари (ёки шу даъволарнинг бир қисми)ни тугатиш комиссияси асоссиз деб топса, даъвони рад этувчи хулоса қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда хулоса устидан судга, ҳакамликка ёки холислар судига шикоят қилинмаса, бу даъволар (ёки уларнинг бир қисми) бекор қилинади.

7. Тугатилаётган тадбиркорлик ташкилоти ходимларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон ССЖ меҳнат қонунлари билан тартибга солинади.

8. Тадбиркорлик ташкилотининг қарз берувчилар даъволари қондирилгандан ва ёлланган ходимларга ҳақ тўлангандан кейин қолган мулки мулкдорга қолади ёки мулкдорлар ўртасида мулкдорларнинг қўшган маблағига ва ҳиссасига қараб мутаносиб тарзда тақсимланади.

Тадбиркорлик ташкилоти давлат рўйхатига олиш жумҳурият қайдномасидан чиқарилгандан кейин у тугатилган деб ҳисобланади.

IV бўлим.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ДАВЛАТ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

14-модда. **Тадбиркорларнинг давлат бошқаруви идоралари билан ўзаро муносабатлари**

1. Давлат бошқарув идоралари тадбиркорлар билан ўз муносабатларини ташкил этганда:

Солиқ ва молия-кредит сиёсатидан, шу жумладан солиқларнинг ҳамда давлат кредитлари бўйича процентларнинг ставкаларини белгилашдан, солиқ соҳасидаги имтиёзлар ва нарх белгилаш қоидаларидан, амортизация ажратмалари нормаларидан, иқтисодий жазо чоралари қўлламидан;

— давлат мол-мулкидан ва заҳира жамғармаларидан, лицензиялар, концессиялар, лизинг, ижтимоий, экологик ва бошқа нормалар ҳамда нормативлардан;

— ташқи савдо ва молия-валюта сиёсатидан;

— давлат буюртмаларидан;

— Умумдавлат, жумҳурият ва минтақа дастурларидан фойдаланадилар.

2. Давлат идоралари ва мансабдор шахслар тадбиркорларга фақат қонунларда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ доирасидагина кўрсатма беришлари мумкин. Давлат идораси ўз ҳуқуқ доирасига мос келмайдиган ёки қонунларни бузадиган ҳужжат чиқарган тақдирда тадбиркор мазкур ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга мурожаат этишга ҳақлидир.

3. Тадбиркорларнинг давлат билан муносабатларини тартибга солиш учун қонун томонидан ваколат берилган бошқарув идоралари тадбиркорларнинг моддий-мулкий, молиявий, меҳнат, ахборот ва табиий ресурслардан конкурс ва ҳақ тўлаш шарти билан фойдаланиши учун тенг ҳуқуқларни таъминлаб беришлари лозим.

4. Давлат буюртмасини ихтиёрий равишда қабул этган тадбиркорлик ташкилотлари буюртма берган идора томонидан моддий-техника ресурслари билан, агар шартномада бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, шу буюртмани бажариш учун зарур бўлган ҳажмда таъминланади.

5. Давлат эркин хўжалик юритиш фаолиятини ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди, бунинг учун зарур иккиламчи муассасаларни, шу жумладан ахборот, маслаҳат берадиган ва ўқув марказларини вужудга келтиради.

15-модда. **Тадбиркорликка солиқ солиш**

1. Тадбиркорлик ташкилоти фойдадан Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланган миқдорда бюджетга солиқ тўлайди. Ўз фаолиятини эндигина бошлаётган кичик ва хусусий корхоналар (ширкатлар) дастлабки икки йил мобайнида солиқ солинишида имтиёзли шартлардан фойдаланадилар.

Кичик ёки хусусий корхонанинг фаолияти уч йиллик муддат тугаганидан кейин тўхтатилган тақдирда солиқ бутун фаолият даври учун тўла олинади.

2. Солиқ имтиёзлари тадбиркорлик ташкилотларига Ўзбекистон ССЖнинг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ берилади.

3. Халқ депутатлари Советлари ижтимоий жиҳатдан устун соҳаларда, шунингдек кўп илм талаб қилинадиган тармоқларда иш олиб бораётган тадбиркорлик ташкилотларини солиқ тўлашдан озод қилиш ёки улар учун белгиланган солиқ ставкаларини камайтиришга ҳақлидирлар.

4. Тадбиркорнинг шахсий даромадига фуқаронинг даромадига бўлгани каби солиқ солинади.

16-модда. **Молиявий ва кредит муносабатлари**

1. Тадбиркорнинг шахсий жамғармалари, фойда, амортизация ажратмалари, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушадиган маблағлар, давлат корхонаси ва жамоат ташкилотларидан олинган қарз маблағлари, шунингдек Ўзбекистон ССЖ қонунларига зид бўлмаган бошқа тушумлар тадбиркорлик ташкилоти молиявий ресурсларини шакллантиришнинг асосий манбаларидир.

2. Тадбиркор пул маблағларини сақлаш ва ҳамма турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун исталган банкда ҳисоб-китоб варақасини ва бошқа варақаларни очишга, шунингдек, уларни чекланмаган миқдорда ва шаклда олишга ҳақлидир.

17-модда. **Тадбиркорлик фаолиятининг ташқи иқтисодий жиҳатлари**

1. Хўжалик юритиш субъекти ҳисобланган тадбиркор ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил асосда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

2. Тадбиркорнинг валюта шаклида олган даромадлари унинг ўзи томонидан Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ тақсимланади.

3. Экспорт-импорт учун солинадиган солиқдан жумҳурият ва маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг ставкалари Ўзбекистон ССЖ қонунлари билан белгиланади.

4. Хўжалик юритиш субъекти бўлган ҳар бир тадбиркор қонунларда белгиланадиган шартлар асосида махсус ўтказиладиган кимошди савдоларида ёки давлат банкида корхоналардан амалдаги бозор нархларида ҳар қандай чет эл валютасини сотиб олиши мумкин. Хўжалик юритиш субъектининг валюта маблағини тортиб олиш тақиқланади.

18-модда. **Ҳисоб-китоб ва ҳисобот**

1. Тадбиркорлик ташкилотлари статистик ва бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон ССЖ Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлиги тасдиқлаган тартибда юритадилар.

Тадбиркор ҳар йилнинг чорагида молия идораларига корхонанинг даромадлари тўғрисида Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлиги белгилаб берадиган шаклда декларация топшириши шарт.

2. Тадбиркор даромадларга оид ҳисобот маълумотлари тўғрилиги учун Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ тўла жавобгар бўлади.

19-модда. **Тадбиркорлик ташкилотларининг фаолияти устидан назорат**

1. Тадбиркорлик ташкилотларининг фаолияти устидан тўла назорат қилиш ҳуқуқига мулкдорлар, молиявий фаолият устидан тўла назорат қилиш ҳуқуқига эса Ўзбекистон ССЖ молия идоралари эгадирлар.

2. Тадбиркор тадбиркорлик ташкилотининг назорат қилиниши шарт бўлмаган ишларидан ва материалларидан бегона кишилар ёки ташкилотларни хабардор қилишга ва бирон-бир назорат идораларини бу материаллар билан таништиришга, агар қонунларда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мажбур эмас.

20-модда. **Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари**

1. Ўзбекистон ССЖ тадбиркорларнинг «Ўзбекистон ССЖда Мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонуни ва ушбу қонун, Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида белгиланган мулкчилик муносабатларини барқарор бўлишига кафолат беради. Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида кўзда тутилганидан ташқари ҳолларда мулкдорнинг мол-мулкини зўрлик билан тортиб олишга йўл қўйилмайди.

2. Ўзбекистон ССЖ давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатадиган қонун ҳужжатларини қабул этган тақдирда, шу ҳужжатлар қабул этилиши натижасида мулкдорга етказилган зарар суднинг қарорига биноан тегишли ҳокимият идораси ёки бошқарув идораси ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

3. Ўзбекистон ССЖ қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан унинг мол-мулкига жазо чораси белгиланган тақдирдагина давлатнинг тадбиркорлик ташкилоти ихтиёридаги мол-мулкни мулкдордан тортиб олишига йўл қўйилади.

Қонун лойиҳасига доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлар 1991 йил 1 февралгача қуйидаги манзилгоҳга юборилсин:

700008, Тошкент шаҳри, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси,

Телефонлар: 39-84-76, 39-55-79.

ЧАҚАНДОЗЛАРДАН ИМТИҲОН ОЛАДИГАН ҚУРИЛМА

Тошкентдаги «Геологоразведка» заводида эркин ва классик услубларда беллашадиган курашчиларнинг имкониятларини аниқлашга ёрдам берувчи ўзига хос қурилма синовдан ўтказилди. Одатдан ташқари рақиб билан Ўзбекистон давлат физкультура илмгоҳи терма командасининг спортчилари беллашдилар. Уларнинг кўпчилиги кураш бўйича жумҳурият терма командасининг аъзоларидир. Янги қурилмани билимдон мутахассислардан иборат комиссия маъқуллади.

Бу қурилма шарофати билан энди тренерлар спортчиларнинг мусобақаларга қай даражада тайёр эканликларини чамалаб билишларига тўғри келмайди. Компьютер барча зарур маълумотларни беради. Ўзбекистон ССЖ давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг ахборот-методика марказидан хабар қилишларича, стендларни «фирма» ЭҲМлари билан жиҳозлаш мўлжалланмоқда. Ҳозир шу масала ишлаб чиқилаяпти. Япония, АҚШ, Греция мутахассислари янги қурилмага қизиқиб қолдилар.

Рақиб вазифасини турли оғирлик тоифаларидаги курашчилар учун мўлжалланган алмаштириладиган қўғирчоқлар «команда»си бажаради. Стенд рақиб қўлларининг мушак кучи билан тенг кучда ишлайдиган қўл эргометри билан жиҳозланган. Қўғирчоқлар билан беллашув спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигини, чидамлилигини, чаққонлигини аниқлашга ёрдам берадиган махсус дастур асосида ўтказилади.

— Янги қурилмалардан фойдаланиш курашчиларни тайёрлаш жараёнини яхшилайди, — деб ҳисоблайди ахборот-методика марказининг директори Н. Керимов. — Дастур асосида ўргатиш қондасида ишловчи нисбатан арзон қурилмалар давлат маблағини тежаш имконини беради.

Халқаро кураш федерациясининг вице-президенти, профессор А. Новиков бу ғоянинг муаллифи ва ташаббускоридир. Кейинчалик металлда ўз ифодасини топган ишнинг бутун методик қисмини А. Новиковнинг шогирди, эркин кураш бўйича спорт мастери Н. Керимов бажарди. Ғоянинг техник ифодасини «Геологоразведка» заводининг инженери С. Петрунин бошчилигидаги мутахассислари амалга оширдилар. Ишланмани спорт ва саёҳат анжомлари Бутуниттифоқ илмгоҳи пул билан таъминлади.

Бу йил завод Ўзбекистон ССЖ давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг буюртмасига биноан бир нечта ана шундай қурилма тайёрлайди.

(ЎзТАГ мухбири).

ССЖИ Вазирлар Кенгашида

ССЖИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА ПУЛ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

● ССЖИ Вазирлар Кенгаши фуқароларнинг ССЖИ пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари тўлаш шартлари ва тартибини тасдиқлади.

«ССЖИда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига, «ССЖИда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги ССЖИ Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида» ССЖИ Олий Кенгаши қабул қилган қарорга мувофиқ ССЖИ пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари иш ҳақининг бир фоизи миқдорида белгилаб қўйилди.

Мажбурий суғурта бадалларини амалдаги қонунларга мувофиқ давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинадиган барча тоифадаги фуқаролар тўлашлари лозим.

ССЖИ пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ишчилар ва хизматчилар томонидан — иш ҳақидан, кооперативларнинг аъзолари кооператив оладиган даромадларидан, колхозларнинг аъзолари колхознинг жамоат хўжалиги барча турларидаги тўловлардан, диний ташкилотларда ишловчи фуқаролар, шу жумладан диния ходимлари — ана шу ташкилотларда ишлашдан оладиган даромадларидан, давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинадиган бошқа шахслар —оладиган даромадларидан тўлайдилар.

Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари иш ҳақи (даромад) тўланадиган жойда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ҳисоблаб чиқилади ва ушлаб қолинади.

Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллаларини ҳисоблаб чиқиш учун уларнинг иш ҳақи (даромадлари) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ижтимоий суғуртасига бадалларни ҳисоблайдиган иш ҳақи (даромад) каби белгиланади.

Асосий иш жойидан бошқа жойда ўриндошлик асосидаги иш учун тўланган мажбурий суғурта бадалларининг миқдори ҳақида корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти фуқароларнинг асосий иш жойига маълум қилишга мажбурдирлар. Мажбурий суғурта бадалларининг тўланиши меҳнат дафтарчасига қадаладиган махсус варақада қайд қилиб борилади.

Фуқароларнинг ССЖИ пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалларини корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ижтимоий суғуртасига бадалларни тўлаш учун белгиланган тартибда ва муддатда ўтказишлари керак.

ССЖИ пенсия жамғармаси идораларига давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда ССЖИ пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари тўғри ва ўз вақтида тушишини назорат қилиш топширилди. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ушбу идораларга ва инспекцияларга фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ўтказилганлигини назорат қилиш учун зарур маълумотларни ўз вақтида тақдим этишга мажбурдир.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари мажбурий суғурта бадаллари ўз вақтида тўла ушлаб қолинмаганлиги ва ССЖИ пенсия жамғармасига ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, шу жумладан якка (гуруҳ) ижара шароитида ёки шахсий деҳқончилик хўжалигида банд бўлган шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси шартлари ва тартиби ҳам тасдиқланди.

Ана шу шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

«ССЖИда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига мувофиқ якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс ССЖИ пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаган тақдирдагина меҳнат пенсияси ҳуқуқига эга бўлади. Улар ССЖИ ижтимоий суғурта фондига суғурта бадалларини тўлаган тақдирда ишчилар, хизматчилар ва кооператив аъзолари учун белгилаб қўйилган давлат ижтимоий суғурта таъминотининг бошқа турларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс бир вақтнинг ўзида ҳам ССЖИ пенсия жамғармасида, ҳам ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармасида ёки ана шу жамғармалардан бирида давлат ижтимоий суғуртасидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Бундай шахсларга меҳнат пенсияларини ва таъминотнинг бошқа турларини тўлаш ССЖИ пенсия жамғармаси ва ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс ССЖИ пенсия жамғармасига (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармасига) суғурта бадалларини ўз даромадларидан ишчилар, хизматчилар ва кооператив аъзоларининг меҳнатига тўланадиган ҳақдан, жумладан, фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларини ана шу жамғармаларга суғурта бадаллари тўлаш учун кўзда тутилган тарифларга мувофиқ тўлайдилар, даромадларнинг миқдори «ССЖИ фуқароларидан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги ССЖИ Қонунининг 19-моддасида белгиланган тартибда аниқланади. Агар фуқаро патент асосида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланса, у ҳолда суғурта бадалларини патент учун тўлов белгиланган даромад миқдоридан тўлайди.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ва пенсия ҳамда таъминотнинг бошқа турларини олиш истагини билдирган шахслар истиқомат жойидаги ССЖИ пенсия жамғармаси ва ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармаси идораларига мурожаат қиладилар ҳамда мажбурият қоғозини тўлдирадилар.

ССЖИ пенсия жамғармаси ёки ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармасининг тегишли идораси суғурта қилдирган ҳар бир кишига рўйхатга олиш тартиб номерини беради ва унга суғурта тарифи миқдори ва суғурта бадалларини тўлаш муддатлари ҳақида хабарнома топширади.

ССЖИ пенсия жамғармасига (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармасига) суғурта бадаллари қуйидаги тартибда тўланади — суғурта қилдирувчилар йилнинг ҳар чорагида аввалги йил даромадларига қараб ҳисобланган йиллик суғурта бадалининг 25 фоизини ўтказадилар, суғурта бадаллари тўлашга биринчи бор жалб этилган кишилар эса жорий йил учун тахминий даромаддан ҳисоблаб чиқарилган миқдорнинг 25 фоизини тўлайдилар. Йил тугагандан сўнг ёки якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўхтатилгандан кейин ССЖИ пенсия жамғармасига (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармасига) бадалларнинг йиллик миқдори амалда олинган даромадга қараб ҳисоблаб чиқилади. Ҳамда ана шу миқдор билан йил давомида тўланган миқдор ўртасидаги фарқ суғурта қилдирган шахсдан ундириб олинади ёки унга бир йил давомида қайтариб берилади, суғурта қилдирган шахсдан 15 мартдан кечиктирмай ундириб олиниши ёки унга қайтариб берилиши якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўхтатилганда эса 15 кун муддатда ундириб олиниши ёки қайтариб олиниши керак. Йил давомида даромад анча кўпайган ёки камайган тақдирда суғурта қилдирувчининг хоҳишига мувофиқ суғурта бадали қайтадан ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Деҳқончилик хўжалиги юритувчи фуқаролар пенсия жамғармасига (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармасига) суғурта бадалини йилига бир марта деҳқон хўжалиги ҳар бир аъзосининг йиллик даромади миқдори узил-кесил аниқлангандан кейин, лекин суғурта бадаллари тўланаётган йилдан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тўлайдилар.

ССЖИ пенсия жамғармасига (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармасига) суғурта бадаллари ССЖИ пенсия жамғармаси (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармаси)нинг тегишли ҳисоб варақасига ўтказилади. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчининг ижтимоий суғуртаси унинг аризасига биноан ариза берилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтайди. Суғуртани тўхтатган ёки истиқомат жойини ўзгартирган шахсларга ССЖИ пенсия жамғармаси (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармаси) идоралари суғурта бадалларни тўлаганлиги ҳақида маълумотнома беришга мажбурдирлар, бу маълумотнома пенсия ёки таъминотнинг бошқа турларини олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажининг тасдиғи бўлади. Бунда тўланган суғурта бадаллари қайтариб берилмайди.

ССЖИ пенсия жамғармаси (ССЖИ ижтимоий суғурта жамғармаси) идораларига давлат солиқ инспекцияси билан биргаликда суғурта бадаллари ўз вақтида ва тўла келиб туришини назорат қилиш топширилди.

Ушбу қоидалар давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинмайдиган ижодкор ходимларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бунда ижтимоий бадаллар ундириладиган даромад йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида белгиланади.

ПЕНСИЯ СОҲАСИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

● Муайян ишларда камида 25 йил банд бўлган тақдирда ёшига қарамай, пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлар ва касблар рўйхати тасдиқланди.

«ССЖИда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига мувофиқ ССЖИ Вазирлар Кенгаши ушбу рўйхатга кўмир (сланец), руда ҳамда таркибида (шу жумладан маъдансиз жинсларда) 10 фоиз ва ундан кўпроқ кремний қўш оксиди бўлган бошқа фойдали қазилмаларни ёки газодинамик ҳодисалар, тоғ зарбалари мавжуд бўлган шароитда қазиб чиқарадиган ишлаб турган ва қурилаётган шахталар (руда конлари)ни тозалаш ва тайёрлаш (кончилик — асосли равишда тайёрлаш)даги ер ости кон ишларини киритди. Рўйхатга шпур ўювчилар, ер остида ишловчи кон монтажчилари ва гидромониторчилари, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш чоғида тозалаш забойларини мустаҳкамлашда банд бўлган мустаҳкамловчилар, бурғилаш қурилмаларининг, вибрация ёрдамида юк ортадиган қурилмаларнинг, юк ортувчи, элтувчи машиналарнинг, проходка комплексларининг, гидрозакладка аралаштирувчи қурилмаларининг, юк ортиш машиналарининг, скрепер чиғирларининг машинистлари ва уларнинг ёрдамчилари киритилган.

Рўйхатга респираторчилар, газодинамика ҳодисалари, тоғ силжиши, газ жиҳатидан ўта тоифадаги ва учинчи тоифадаги хавфли шахталар ва конларга хизмат қилувчи кон-қутқариш қисмларида ишлайдиган бўлинмалар ва взводларнинг қўмондонлари, уларнинг ўринбосарлари (ёрдамчилари) ҳам киритилган.

Тоғ жинсларини ташишда банд бўлган юк автомобилларининг ҳайдовчилари, кўмир, рудалар ва бошқа фойдали қазилмаларни чуқурлиги 150 метр ва ундан ҳам кўпроқ бўлган конлар ва карьерларда уларни қазиб чиқаришга доир очиқ кон ишларида (ер устидаги) шу жумладан ташламалардаги ишлардан ташқари банд бўлган юк ортиш машиналарининг ҳайдовчилари, бульдозерларнинг, бурғилаш қурилмаларининг машинистлари ва уларнинг ёрдамчилари, экскаваторларнинг машинистлари ва уларнинг ёрдамчилари иш стажи 25 йил бўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

ССЖИ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасига ССЖИ Олий Кенгашининг «ССЖИда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги ССЖИ Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида» чиқарган қарорига амал қилиб, «ССЖИда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги ССЖИ Қонуни 15-моддасида кўзда тутилган, илгари касблари ва лавозимлари бошқача номланган ходимлар махсус стажини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги изоҳни нашр этиш топширилди.

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР АСОСИДА

● ССЖИ Вазирлар Кенгаши олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашда шартномавий муносабатларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор мамлакат халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш, олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишини таъминлайдиган қўшимча шарт-шароитларни яратиш тадбирларини кўзда тутади.

Қарорда, жумладан, 1991 йилдан бошлаб шу нарса белгилаб қўйилдики, Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, ССЖИнинг ўз қарамоғида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган вазирликлари ҳамда идоралари ёш мутахассислар тайёрлаш ҳажмлари ва тузилишини ҳамда уларни тақсимлаш тартибини ўқув юртлари билан мулкчиликнинг барча шаклларига асосланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида вужудга келган алоқаларга ва тузилган шартномаларга асосланиб, умумдавлат эҳтиёжларини ҳамда минтақалар ва тармоқларнинг ривожланиш истиқболларини эътиборга олиб, мустақил равишда белгилайдиган бўладилар.

Жумҳуриятлараро ва идоралараро мутахассислар тайёрлаш тартиби давлат фан-техника дастурлари ва давлатнинг бошқа эҳтиёжлари амалга оширилишини ҳамда шу билан боғлиқ бўлган чиқимларнинг ўрни қоплашини таъминлаши лозим, бу тартиб ССЖ Иттифоқи ва Иттифоқдош жумҳуриятлар манфаатдор давлат бошқарув идораларининг тегишли шартномаларида белгилаб қўйилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мутахассислар тайёрлаш тўғрисида ўқув юртлари билан тузган шартномаларда ўқув юртларининг фанларни чуқур ўргатиб, алоҳида соҳаларга амалий ёки якка тартибда тайёрлашни таъминлаш учун қилган чиқимларини қоплаш шарти билан мутахассисларнинг малакаси сифатига ва даражасига нисбатан алоҳида талаблар қўйишлари мумкин. Шу талабларга мувофиқ мутахассис тайёрлаш ҳақининг миқдори томонларнинг келишувига биноан шартномада белгилаб қўйилади. Бунда давлатнинг ўқув юртларига бюджетдан ажратадиган маблағи шартномалар юзасидан олинган пул миқдорида камайтирилмайди. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мутахассислар тайёрлаш ҳақи ҳисобига ўқув юртларига замонавий асбоб-ускуналар, приборлар, ашёларни беришлари, иш (хизмат) бажаришлари мумкин.

Шартномалар юзасидан олинган қўшимча маблағлар ўқув юртларининг даромадларига қўшилади ҳамда олий ва ўрта махсус мактаб объектларини қуришга, янгилашга ва обдон тузатишга, асбоб-ускуна, ашё сотиб олишга, меҳнат жамоаларини ижтимоий-маданий ривожлантиришга, ходимларни моддий рағбатлантиришга, стипендиялар тўлашга, ноиложликдан турар жойни ижарага олган ўқувчи ёшларга қўшимча ҳақ тўлашга, шунингдек жуда муҳтож талабалар ва ўқувчиларга ижтимоий ёрдам жамғармасини ҳосил қилишга сарфланадиган маблағларни пул билан таъминлаш манбаи сифатида фойдаланилади.

ССЖИ Молия вазирлигига, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталарига Иттифоқ, жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларга (шу жумладан ССЖИ Мудофаа вазирлигининг, ССЖИ давлат хавфсизлиги қўмитасининг, ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмларига, ҳарбий ўқув юртларига, муассасалари, корхоналари ва ташкилотларига) олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан шартнома тузиш учун ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифати ва даражасига нисбатан қўйиладиган алоҳида талаблар билан боғлиқ чиқимларни қоплаш учун маблағ ажратишни кўзда тутиш таклиф этилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларига тузилган шартномаларга мувофиқ ўқув юртларини битирганидан сўнг ишга келадиган олий ва ўрта махсус маълумотли ўзга шаҳарлик ёш мутахассисларни рўйхатдан ўтказиш учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан ҳақ олмаслик тавсия этилди.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш учун шароит яратиш тўғрисида талабалар ташкилотларининг таклифини маъқуллади. ССЖИ Халқ таълими давлат қўмитасига халқ таълими жумҳурият бошқарув идоралари билан биргаликда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вакилларининг иш билан таъминлаш қўмиталари ишида қатнашишини таъминлаш, шунингдек зарурат туғилган тақдирда бевосита ўқув юртларининг ўзида ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи шўъбаларни ташкил этиш юзасидан чора-тадбирларни кўриш топширилди.

Ҳукуматнинг қарорида шартномалар асосида ўзлари учун кадрлар тайёрланадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар талабаларнинг ва ўқувчиларнинг стипендияларига қўшимча пул тўлашлари мумкин, деб белгилаб қўйилди.

Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига ёшларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш учун минтақа хусусиятларини эътиборга олиб, ўз маблағлари ва ресурслари ҳисобидан олий ўқув юртларининг талабаларига ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига қўшимча имтиёзлар ва қўшимча тўловлар жорий этиш тавсия қилинди.

ССЖИ жамғарма банкининг олий ўқув юртларининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган оилали талабаларига улар қайси курсда ўқиётган бўлишидан қатъи назар, ССЖИ Вазирлар Кенгаши, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг «Олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг моддий-маиший шароитини яхшилашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги 1990 йил 7 апрель қарорида кўзда тутилган миқдорда ва шартлар билан қарз бериб туриш тўғрисидаги таклифи ҳам қўллаб-қувватланди.

Анъанавий ойбекхонлик кунлари

ОЙДИН БУЛОҚ

Жумҳуриятимиз бўйлаб анъанавий ойбекхонлик кунлари бўлиб ўтмоқда. Куни-кеча бир гуруҳ ижодкорлар ушбу тадбирларда қатнашиш учун Қашқадарё вилоятига жўнаб кетдилар. Бугун эса Ойбек уй-музейига адибнинг шогирдлари, дўстлари, қариндошлари йиғилиб устоз хотирасини ёдга оладилар.

«...Кўм-кўк майсаларга чўлғанган азим тоғлар орасида бир ойдин булоқ бор. Ўша булоқнинг тиниқ мусаффо суви кўп йиллардан бери инсонлар ташналигини қондириб келмоқда. Бу табаррук булоқнинг номи — Ойбек уй-музейидир...».

Ушбу дил сўзлари музейнинг хотира китобига зиёратчи Учқунбек Султонов томонидан битилган. Бу киши ўзи ҳақида ҳеч бир маълумот қолдирмаган. Ёш талабами ёки муаллим? Ойбек домла суҳбатидан баҳраманд бўлган нуроний-ми ёки оддий китобхон? Бизга номаълум. Лекин унинг юқоридаги сўзларини Ойбек зиёратига келган бир неча ўн минглаб адабиёт мухлислари ўз кўнгилларидан ўтказгани шубҳасиз. Бундан ташқари узоқ вилоятларимизда ва қўшни жумҳуриятларда Алишер Навоийнинг ёрқин адабий сиймоси яратилган бу қутлуғ ижодхонани зиёрат этиш орзусида юрган юз минглаб Ойбек даҳосининг ихлосмандлари мавжуд. Кейинги йилларда турли адабий воқеаларга бағишлаб жумҳуриятимизнинг бир қатор вилоятларида ва қардош Қозоғистоннинг Туркистон ноҳиясида ташкил этилган кўчма кўргазмаларимиз зиёратчилари билан суҳбатлашиб, Ойбек меросига қизиқиш янада кучайиб бораётганлигига амин бўлдик.

Бу табиий ҳол, албатта. Чунки ҳар бир халқ ўз тарихининг суронли даврида орзу-умидларини ёрқин ва ҳаққоний тасвир этган улуғ адибларига мурожаат қилади. Маънавий қадриятларимиз сараланиб, ғалвирдан ўтаётган ҳозирги пайтда одамлар оғзидан бозор иқтисодиёти, миллий тадбиркор, ишбилармонлар етиштириш масаласи тушмаётган бугунги кунда «Навоий», «Қутлуғ қон» каби боқий асарлар элимиз учун умидбахш чашмадир. Ойбекнинг Темур ҳақидаги, Чўлпон ҳақидаги асарлари ҳам айни шу кунларда ташна китобхон қўлига етиб борди.

Ойбек домла улкан иқтидори билан миллий адабиётимизнинг турли жабҳаларини қамраб олган сарвар аллома эди. Уй-музей ходимлари Ойбек меросини халққа тарқатиш билан бирга унинг устозлари, қаламкаш дўстлари ва шогирдлари ижодини ҳам кенг тарғиб этиб келмоқдалар. Уч йилдан бери уй-музейда адабиёт халқ дорилфунуни ишлаб турибди. «Абдулла Қодирий ва Ойбек», «Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор» каби адабий кечалар, «Чўлпон ва Ойбек» каби лекциялар билан юзлаб кишиларга хизмат қилдик. Адибнинг устози Абдулла Авлоний уй-музейини, қаламкаш дўстлари Ҳамид Олимжон ва Миртемир ёдгорлик музейларини яратишда бевосита иштирок этдик. Навоий, Бобур, А. С. Пушкин, Николай Тихонов ва Одил Ёқубовларнинг юбилей кўргазмаларини ташкил этаётганимизни қониқиш билан эслаймиз.

Бугун уй-музей ташкил этилгандан буён ўн биринчи маротаба Ойбекхонлик ўтказилмоқда. Шу кунгача адабий тадбирларимизда элимизнинг деярли барча таниқли адиблари, шоирлари, олимлари ва санъаткорлари иштирок этиб, келмоқдалар.

Хоразм вилояти Боғот ноҳиясидан келган зиёратчи З. Абдураимованинг уй-музей хотира китобига ёзиб қолдирган қуйидаги сўзлари фикримизни тасдиқлайди:

«...Мен Сизни ҳеч кимга алишгим келмайди, устоз! Ҳаётнинг ҳароратли бўронларида бир Сизни йўқлаб келдим... Руҳиятнинг пок бўлмоғи учун, англадимки, мен Сизга сиғиниб яшамоғим шарт...

Ҳурмат-ул-калом ила: Зебо. 8 март. 1990 йил».

Ўткир ЁРМУҲАМЕДОВ,
Ойбек уй-музейи директори.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 11 январда чиқади).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

9 январда — **ОҚҚУШ ҚЎЛИ.**
10 январда — **РИГОЛЕТТО.**
11 январда — **СЕВГИГА СЕВГИ БИЛАН.**
12 январда — **ЧИО-ЧИО-САН.**
13 январда — **ЗОЛУШКА** (12.00, 19.00).
16 январда — **ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ.**
17 январда — **МАСХАРАБОЗЛАР.**
18 январда — **ЖИЗЕЛЬ.**
19 январда — **СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.**
20 январда — **ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ** (12.00), **БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ** (19.00).
23 январда — **ТЎМАРИС.**
24 январда — **ФЛОРИЯ ТОСКА.**
25 январда — **ДОН ҚИХОТ.**
26 январда — **ОТЕЛЛО.**
27 январда — **КОПЕЛЛИЯ** (12.00), **ОҚҚУШ ҚЎЛИ** (19.00).
29 январда — **КАРМЕН.**
30 январда — **СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА.**
31 январда — **АЛИШЕР НАВОИЙ.**

Спектакллар 19.00 да бошланади.

Чипталар театр кассасида соат 10.00 дан бошлаб сотилади.

Телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

23 январь соат 19.00 да

Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейига бағишланади

ҲАЙДАР МУҲАММАД

пьесаси

АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНИ ОҲАНГЛАРИ АСОСИДА

ПРЕМЬЕРА

«САБЪАИ САЙЁР»

(икки қисмли афсона)

Саҳналаштирувчи режиссёр — МАРАТ АЗИМОВ.

Рассом — МАРАТ СОҲИБГАРАЕВ.

ССЖИ халқ артисти, ССЖИ давлат ва Ўзбекистон ССЖ давлат Ҳамза мукофотларининг совриндори З. МУҲАММАДЖОНОВ;

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, ССЖИ мукофотининг совриндори Ё. АҲМЕДОВ;

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Т. ХОНТЎРАЕВ;

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артистлар: С. УМАРОВ, Ҳ. ЮНУСОВ, Р. АВАЗОВ, Б. ҚОСИМОВ, М. ИСМОИЛОВ, М. АБДУҚУНДУЗОВ;

артистлар: Р. КАРИМОВ, П. НОСИРОВ, Р. ЖУРАЕВ, Г. ИБРОҲИМБЕКОВА, М. МУХТОРОВ, Л. ҚУЛАБДУЛЛАЕВА; М. БОБОТУЛЛАЕВА, Ф. МАСУДОВ, Қ. АБДУРАҲИМОВ, Ҳ. КОМИЛОВ, Ж. ЗОКИРОВ, А. МАҲМУДОВ, Б. МУҲАММАДКАРИМОВ, Б. МУҲАММАДЖОНОВ, Ф. ЖАЛОЛОВ, Ғ. ҲОЖИЕВ, С. АБДУҚУНДУЗОВлар қатнашадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

пўлат шильдлар, штрихли ва растрли рух клишерлар тайёрлаб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Латун шильдлар буюртмачи тавсия қилган материалларда тайёрланади.

Буюртмалар сешанба ва жума кунлари қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700029, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй «Пресса» магазини.

●

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси «БИОЛОГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИЛМГОҲИ

профессор Н. Н. Назиров номидаги радиацион биология лабораториясининг кичик илмий ходими бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, ГСП, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй.

●

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

15 январь соат 19.00 да

КАТТА КОНЦЕРТ ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти

МАЛИКА АҲМЕДОВА

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист

АҲМАДЖОН ШУКУРОВ

ва бошқалар.

Чипталар, театр кассасида сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИНИНГ

Рўзномамизда 14 декабрда эълон қилинган Танловига ҚУЙИДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛАДИ:

Педагогика ва психология кафедраси мудири лавозими БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Педагогика ва психология кафедраси бўйича бўш ўринлар:

доцент (1 ўрин, психология, рус тилида).

катта ўқитувчи (1 ўрин, педагогика, рус тилида).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 15 ЯНВАРГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 64-уй. Телефонлар: 55-33-07, 55-33-28.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси идораси ва Ўзбекистон ССЖ Мусиқа жамғармаси идораси совет мусиқаси тарғиботи бюроси, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ССЖИ Бастакорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунослик номзоди мусиқашунос З. Ғ. Каримовага отаси

Ғулом КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Кўрлар жамияти Марказий бошқаруви раёсати Ўзбекистон Кўрлар жамиятининг фахрий аъзоси, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган саноат ходими, Қашқадарё вилоят кўрлар жамияти бошқармасининг аъзоси

Эломон СУЛТОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуммнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи жамоаси «Савдо иқтисодиёти» кафедраси доценти И. С. Эшоновга онаси

Мунаввара ОМИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СредазНИПКИпишчепром» Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий-текшириш ва лойиҳа-конструкторлик институти жамоаси институтнинг катта илмий ходими И. У. Тўхтахоновга онаси

Меҳри ФАЙЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССЖ касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда енгил саноат касаба уюшмаси марказий қўмитаси жамоалари шу қўмита раиси Т. Б. Мурсалиевага онаси

Зулайҳо ТАНГРИБЕРГАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, С. Ф. МУҲИДДИНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4720.

№ 7. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12